

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

*5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш,  
қайта ишилаш техникаси ва технологияси  
бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти*

**Расмий нашр**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА**

Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления  
образования бакалавриата 5321100 - Техника и технология добычи  
переработки руд редких и радиоактивных металлов

**Издание официальное**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш,  
қайта ишилаш техникаси ва технологияси  
бакавлавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти*

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент

## СҮЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини Ривожлантириш маркази;
- Навоий давлат кончилик институти.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» 03 даги 84 - сонли буйрги.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

### 4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси худудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришилар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши асослари .....	1
2. Кулланиш соҳаси .....	2
3. Атамалар, таърифлар, кискартмалар .....	3
4. Таълим йўналишининг тавсифи .....	3
5. 5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишилаш техникаси ва технологияси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар каебий фаолиятининг тавсифи .....	4
6. Бакалаврининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар .....	5
7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари .....	18
8. Бакалавриатнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар .....	31
8.1. Бакалавриатнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар .....	31
8.2. Таълим дастурларининг татбик этилиши .....	32
8.3. Малака амалиётларини ташкил этиш талаблари .....	32
8.4. Ўкув жараёнини педагогик кадрлар билан тъминлаш бўйича талаблар .....	33
8.5. Таълим жараёнини ўкув-методик ва ахборот ресурслари билан тъминлаш талаблари .....	33
8.6. Ўкув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар .....	34
9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш .....	35
10. Эслатма .....	35
11. Давлат таълим стандартининг амал килиши муддати .....	36
12. Илова .....	37
13. Библиографик маълумотлар .....	38
14. Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари хамда кадрлар истеъмолчилари .....	39

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

**5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиши, қайта  
ишлаш техникаси ва технологияси бакалавриат таълим йўналишининг  
давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования  
Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата 5321100 - Техника и технология добычи переработки руд  
редких и радиоактивных металлов**

**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan  
State Educational Standards of Higher Education requirements Necessary  
for content and level of Bachelors in 5321100- Technique and Technology of  
Mining and Processing of Rare and Radioactive Metals**

Амал килиш муддати «13 » 10 201йилдан  
«       »              201йилгача  
Чарланисо 2011

### **1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши асослари**

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиша куйидаги хужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Конуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш тўғрисида» ги 5-сонли Карори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Карори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июнидаги 341-сонли Карори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Карори.

O'ZSTANDART AGENTLIGI  
5268 son bilan  
«13» 10 2014 yilda  
Davlat ro'yxatiga olindi

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул килиш тўғрисида"ги 302-сонли бўйргути.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 190-сонли бўйргути.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 281-сонли бўйргути.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 446-сонли бўйргути.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 158-сонли бўйргути.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПК-1875-сонли Карори.

## 2. Кўлланиш соҳаси

**2.1.** Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) *5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиши, қайта ишилаш техникаси ва технологияси таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмунини ифодалайди.*

**2.2.** Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш хукукига эга деб ҳисобланади.

**2.3.** ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини ҳисобга олган холда таълим дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат атtestация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукукига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

O'ZSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHUVLARI, RAVLAT  
NAZORATIWI KUVDFIPLASHTIRISHA  
AKKREDITATIONGA TEHLIQIBILASHMA  
SIRQIY ETTIN BOZIB-QAMASI

### 3. Атамалар, таърифлар, кискартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури хамда олий таълим соҳасидаги халкаро хужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият обьектига таъсир килишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуми;

**модуль** – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўкув фани (курси) ёки ўкув фанлари (курслари)нинг маълум бир кисми;

**таълим йўналиши** – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан згалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касбий фаолиятнинг муайян турини бажариши таъминловчи таянч ва фундаментал билимлар, ўкувлар ва кўникмалар мажмуаси;

**касбий фаолият обьекти** – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иктисолий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият обьектларининг мажмуми;

**бакалаврият** – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўкиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим.

**бакалавриатнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури)** – ўкув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофик кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

**ўкув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуми;

**ДТС** – Давлат таълим стандарти;

**АРМ** - ахборот ресурс маркази;

**ИТИ** - илмий тадқиқот институтлари;

**ОТМ** - олий таълим муассасаси.

### 4. Таълим йўналишининг тавсифи

**4.1. 5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиши, қайта ишланиш техникаси ва технологияси** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва аматий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат (лар) берилади.

**4.2.** Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларининг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даражаси)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг таълим дастури	Бакалавр	074 йилдаги АДЕНТЛИГА СТАНДАРДЛАШТИРИЛГАН, ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ИКНОФОЛДАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ДОЙУТ ЕТИДЖ БОЗГИРЛАСИ

**5. 5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишилаш техникаси ва технологияси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи**

**5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:**

**5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишилаш техникаси ва технологияси** бакалавриат таълим йўналиши – ноёб ва радиоактив металлар рудаларини ср ости, очик ва геотехнологик усулда қазиб олиш, уларни бойитиш ва қайта ишилаш технологиялари, чузур скважиналарни бургулаш ишларини олиб бориш билан боғлик комплекс масалалар.

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйилдагиларни камраб олади:**

– ноёб ва радиоактив металлар рудаларини очиш, конларни қазиб олиш тартиби, технологик схемаларини ўзлаштириш;

– геотехнологик скважиналарни жойлаштириш, конни очиш, тайёрлаш ва қазиб олиш жараёнларини лойиҳалаш, ташилаётган кон массаси миқдорини аниклаш, аник шароитлар учун кончиллик машина ва ускуналарини танлаш бўйича математик моделларини кўллаш;

– ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш жараёнларини ташкил килишни белгилаш ва кўллаш.

**5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг обьектлари:**

**5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишилаш техникаси ва технологияси** таълим йўналиши бакалаврининг касбий фаолияти обьектлари – ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишилаш ва бойитиш корхоналари, геотехнологик скважиналарни бургилаш жараёнлари, энергомеханик курилмалар, кончиллик ишлаб чиқаришида физик жараёнлар ва метриологик назорат, кончиллик ишлаб чиқариши машина ва ускуналари, обьектларни яратиш ва улардан фойдаланишининг самарали жараёнлари.

**5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари**

- Илмий-тадқиқот;
- Лойиҳавий-конструкторлик;
- Фойдаланиши ва сервис хизмати кўрсатиш;
- Ишлаб чиқаруш;
- Ташкилий-бошқарув.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятининг муайян турлари таълим жараёнининг манбаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аникланади.

**5.4. Касбий мослашиш имкониятлари**

Педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши.

**5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишилаш техникаси ва технологияси** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин куйидаги:

– 5A321101 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, бойитиш ва қайта ишилаш технологияси;

– 5A321102 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш ва қайта ишилаши комплекс механизациялаштириши, электрламаштириши ва автоматлаштириши мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ~~МУХАСИСЛИКЛАРДА~~ ~~МАГИСТРАТУРАДА~~ ~~СТАНДАРТЛАШТИРИЛГАН~~ ~~АГЕНТИДА~~ ~~ХЕДОГИР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА~~ ~~АХБОДОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА~~ ~~ДОНУЧ СТИЛ БОЗ-ОКИДАГИ~~ давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустакил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқотлат ишларини олиб бориши мумкин.

## 6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

**5321100 – Ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишиш техникаси ва технологияси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:**

### а) умумий талаблар:

- дунёкарош билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мусткил тахлил кила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллӣ ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллӣ истиклол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечайдиган жараён ва ходисалар хакида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши хакидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф мухитга муносабатини белгиловчи ҳукукий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни хисобга ола билиши;
- ахборот йигиши, саклаш, қайта ишиш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустакил асосланган карорлар кабул кила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишиш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соглом турмуш тарзи ва унга амал килиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиоддга, ўзини жисмоний чиннигириш укув ва кўнукмаларига эга бўлиши лозим.

### Бакалаврлар:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустакил ишишга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида кўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

### б) касбий талаблар:

#### Илмий - тадқиқот фаолиятида

##### Бакалавр:

- илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, бойитиш усуслари ва технологиясини танлаш, улардан фойдаланиш ҳамда техник воситаларини, тизимларини, жараёнларини, жихозларини ва материалларни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда катнашиш;
- ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, бойитиш ва қайта ишиш жараёнларини тадқиқ қилишда намунавий методикалар ва техник воситаларни кўллай олиш;
- фойдали қазилма ва тоб жинсларининг физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш асосида бурғилаш ишлари технологияси ва воситаларни кўллай олиш;
- геотехнологик скважиналарни жойлаштиришнинг самарали усул ва методларини кўллай олиш;
- ноёб ва радиоактив металлар рудаларини ишлаб чиқариш самаралорлигини ошириш соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий техниковий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютукларни ўрганиш;
- илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишиди катнашиш.

- мавзу (топширик) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, тахлил килиш ва тизимлаштириш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбик этишда қатнашиш кобилиятига эга бўлиш керак.

### **Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида**

#### **Бакалавр:**

- ноёб ва радиоактив металлар рудаларини геотехнологик, ер ости, очик ва комбинациялашган усулларда қазиб олиш, уларни бойитиш ва қайта ишлаш, бургилаш ва портлатиш ишлари лойиҳасини тизимли ёндашув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чикишни такомиллаштириш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чикиш ва тадқиқ кила олиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чикиш;
- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва хисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтиносслигига мос равишда кўллаш;
- технологиялар соҳасида: ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш, бойитиш, бургилаш ва портлатиш ишлари жараёнлари технологияларини таккослай олиш ва улардан фойдалана билиш;
- кончиллик ишлаб чикишини механизациялаштириш соҳасида: фойдали қазилма ва тоғ жинсларини бургулаш, юклаш, етқазиб бериш, ташиб ва юқ кўтариш машиналари, насослар, бойитиш фабрикалари машиналари ва жихозларининг ишлаш принциплари билиш ва улардан фойдалана олиш кобилиятига эга бўлиш керак.

### **Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида**

#### **Бакалавр:**

- кон ресурсларидан рационал фойдаланишни ташкил этиш;
- ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш корхоналарига ва бойитиш фабрикаларига сервис кўрсатиш бўйича намунавий технологик жараёнларни ишлаб чикиш ва кўллаш;
- кончиллик машиналари ҳамда жихозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил килиш;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш, бойитиш, бургилаш ва портлатиш ишлари технологияларини таккослаш ва камчиликларни бартараф эта билиш;
- ноёб ва радиоактив металлар рудаларини геотехнологик усулда қазиб олишда скважиналарни жойлаштиришнинг самарали схемаларини танлай олиш;
- ноёб ва радиоактив металлар рудаларини қазиб олиш ва бойитиш жараёнлари моделларини ишлаб чикиш ва тахлил қилишда хисоблаш воситаларидан фойдалана билиш;
- карьер, рудник ва бойитиш фабрикаларининг иш сифати кўрсаткичларини аниклаш, баҳолаш ва хуносалар шакллантириш;

инсон соғлигини ва унинг ишчанлик кобилиятини саклаш бўйича ҳамда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чикиш ҳамда амалга ошириш керак кобилиятига эга бўлиш керак.

### **Ишлаб чикариш фаолиятида**

#### **Бакалавр:**

- ноёб ва радиоактив металлар рудаларини ишлаб чикаришини механизациялаштиришда: фойдали қазилмаларни қазиб олиш, геотехнологик скважиналарни бургилаш, бойитиш ва қайта ишлашнинг рационал технологияси ва техник воситаларни танлаш, намунавий технологик схемаларни ишлаб чикиш; портлатиш ишлари технологияси ва портлатгич модда зарди конструкциясини тайёрлаштириш; ноёб ва радиоактив металлар рудаларини ишлаб чикариш жараёнларини режалаштириш; ва бажаришни ташкиллаштиришни билиш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чикиш ва уларни кўллаш;
- ишлаб чиқариши ташкил этишининг самаравали усулларини танлаш ва кўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

#### **Ташкилий-бошкарув фаолиятида**

##### **Бакалавр:**

- ноёб ва радиоактив металлар рудаларини ишлаб чиқаришида технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини хисоблаш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариша ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чикиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари хамда механизмларини ишлаб чикиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётта татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараённада сифатни бошкарниш;
- изжочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошкарув карорини кабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошкарниш;
- бажараёттан фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишнинг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазасига, ёнгинга, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

#### **6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўниқмаларга қўйилган талаблар**

##### **6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар бўйича талаблар**

*Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурӣ билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.*

##### **6.2.2.1. Олий математика фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

- математика дунёни билишининг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги, математик моделлар, математик моделлаштириш усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- объектларнинг миқдорий ва сифат иисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланишни;
- математик таҳтил, аналитик геометрия, чизикли алгебра, комплекс ўзгарувчи функция назарияси, эҳтимоллик назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва методларини;
- функционал ва хисоблаш масалаларини ечиш моделларини;
- муайян жараёнлар учун эҳтимолий моделларни ва тузилган модель доирасида хисобларни олиб боришни;

- моделларининг иерархик структураси ва олинган натижалар кўлланилиши чегараларини баҳолашни хисобга олган ҳолда моделларни тадқик қилишини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

- алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;
- оддий дифференциал тенгламаларни тадқик қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;
- математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш;
- экспериментал маълумотларга ишлов беришининг асосий методларидан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

#### **6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- ахборот ва уни саклаш, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш усуллари **ҳақида масаввурга эга бўлиши**;

- турли даражадаги дастурлаш тилларини, маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологиясини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

- дастурлаш ва хисоблаш техникиси хамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

#### **6.2.2.3. Физика фани бўйича**

**Бакалавр:**

- механиканинг физик асослари, электр ва магнетизм, тебраниш ва тўлкинлар физикаси, квант физикаси, акустика, статик физика ва термодинамика, оптика, атом ва ядро физикаси **ҳақида масаввурга эга бўлиши**;

- классик механикада ҳолат тушунчаси ва ҳаракат конунларини;

- сакланиш конунларини, вакуум ва моддада электростатика хамда магнитостатикани;

- гармоник ва ногармоник осциллятор тушунчаларини, спектрал йийлманинг физиковий маъноси ва тебраниш конуниятларини;

- корпускуляр-тўлқин дуализми, ноаниклик тамойили, квант ҳолатларини, гидродинамика, акустиканинг физиковий асослари ва товушнинг табиатини;

- термодинамиканинг уч конуни, ҳолатнинг термодинамик функцияларини, иссилик-масса алмашинуви жараёнларида ўхшашлик назариясини кўллашни;

- ёрутликнинг қайтиш ва синиш конунларини, атом тузилиши, атом нурланиш спектридаги конуниятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

- физиковий моделларни тадқик қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларида ва техниковий объектларда энг оддий физиковий тизимларнинг моделларидан фойдаланиш;

- физика фанининг турли бўлимларига характерли бўлган кийматларнинг сонли тартибини ўлчаш ва баҳолаш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

#### **6.2.2.4. Кимё фани бўйича**

**Бакалавр:**

- фанининг аиорганик, аналитик, органик, физиковий ва коллоид кимё бўлимлари мазмуни ва уларнинг кўлланиш услублари **ҳақида масаввурга эга бўлиши**;

**аиорганик кимё:** элементлар даврий тизимини, моддаларнинг кислота-асослик ва оксидланиш-қайтарилиш хусусиятларини, кимёвий боғланиш, комплементарлик, комплекс бирикмалар, элементлар кимёси, s-, p-, d- ва f- элементларни;

**аналитик кимё:** сифат ва миқдорий тахлил, кимёвий таккослаш, аналитик сигнал, кимёвий, физик-кимёвий, физиковий тахлилни;

**органик кимё:** Бутлеровнинг тузилиш назариясини, органик моддаларнинг реакцион қобилияти, органик кимёда изомерланиш ва номланиш, ахборот тахлили, кўзгу (оптик) изометрияси, органик бирикмаларнинг асосий синфлари, терпенлар, стероидлар, каротиноидлар, липидлар, углеводлар, азот сакловчи бирикмалар, гетероциклические бирикмалар ва нуклеин кислоталар, олигомер ва полимерларни;

*физиковий ва коллоид кимё: модданинг агрегат ҳолати, кимёвий жараёнлар энергетикаси, эритмалар, дисперс тизимлар, кимёвий кинетика ва катализ, кимёвий ва фазовий мувозанатни, электрокимё ва коллоид кимёни **билиши ва улардан фойдалана олиши;***

Ўзбекистонда анорганик кимё фани ва кимё саноати, кимёвий тақкослаш, биологик фаол органик биримлар ва саноат ишлаб чиқаришни кимёлаштириш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.2.5. Назарий механика фани бўйича

**Бакалавр:**

- назарий механика фани бўйича табиатда содир бўладиган барча механик харакатларни умумий конуниятларини ва бу конунларни барча турдаги машина ҳамда механизмлар харакатига қўллашни ва содир бўлаётган харакатнинг баркарорлигини ҳамда устивор кечиши **ҳақида масаввурга эга бўлиши;**

- машина ва механизм қисмларининг тезлик ва тезланишини ҳамда уларга тъисир этувчи кучларнинг ўзгариш конуниятларини, жисмларнинг мувозанат тентламалари, механиканинг асосий конуллари, теоремалари, принциплари, харакатнинг устиворлиги ва баркарорлиги, механик системанинг харакати ва мувозанатини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- харакат содир бўлаётган фазо ва унинг хоссаларини ҳамда ишлаб чиқариш технологик жараёнларига энг содла физик ва математик моделларни куриш ва бу моделлар асосида технологик жараённи баркарорлигини таъминлаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.3.6. Экология фани бўйича:

**Бакалавр:**

- экология фанини Ўқитиша экологик таълим ва тарбияга, экологик таълим ва тарбия ҳақидаги ўғитларни талабалар онтига сингдириш, экологик тизимларнинг биологик маҳсулдорлиги, организмларнинг яшаш мухити, экологик ҳолат ва инсон соглиги орасидаги муносабатларнинг физиологик хусусияти, табиат тизимларнинг асосий хусусиятлари, биосфера тузилмаси ва унинг эволюцияси, ноосфера тушунчаси, моддаларнинг биосферада айланиши ва у билан боғлиқ глобал экологик муаммоларни ўрганиш, табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳукукий жиҳатлари, табиатдан оқилона фойдаланишининг янада такомиллашган механизмларини шакллантириш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш технологиялари **ҳақида масаввурга эга бўлиши керак;**

- Ўзбекистонни мухим экологик муаммолари ҳақида илмий асосланган маълумотлар беришни;

- атроф-мухит ва организмнинг ўзаро тъисири ҳақида маълумотлар беришни;
- инсон ва атроф-мухитнинг физик, химик ва биологик ҳодисаларнинг зарарли тъисиридан химоя килиш усули ва вазифаларини;
- синергетик жараёнлар ҳақида талабаларга маълумот бериш;
- қишлоқ хўжалиги метеорологияси, иклимшунослик ва метеорологик ҳодисаларни;
- метеорологик катталислар ва уларнинг ўзгаришини иклим шароитларига ҳамда экологик ҳолатига тъисирини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- қишлоқ хўжалиги агроландшафтининг экологик аҳволини аниқлаш;
- ўсимлик ва ҳайвонларнинг экологик омилларга чидамлилигини баҳолаш;
- табиатдан рационал фойдаланиш ва атроф-мухитни химоя килиш ҳақида тадбир режаларини тузиш;
- ҳозирги замон экология фанини мухим муаммолари;
- атроф-мухитга тъисир этувчи омиллар ва бу омилларни тирик организмга тъисир механизми тўғрисида маълумотлар бериш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

### 6.2.3. Умумкасбий фанлар бўйича талаблар

#### 6.2.3.1. Чизма геометрия ва мухандислик графикаси фани бўйича

**Бакалавр:**

- чизма геометрия: геометрик ясашлар, техник расм ва эскизлар, ажralадиган ва ажralмайдиган бирокмалар, фазовий шаклларни текисликда тасвиrlашнинг проекциялар методи;

- мухандислик графикаси ва лойихалаш асослари: геометрик моделлаштириш асослари, деталларнинг шакли ва фазовий ҳолатини ўзгартиши, деталнинг ўзига караб эскизини чизиш, схемалар, ажralадиган ва ажralмайдиган бирокмалар, рухсат этилган ўлчамлар ва бирокмалар, юза гадир-будирлик параметрлари, юза гадир-будирлик синфланиши, проекциялар ва проекциялаш турлари, комьютер графикаси, комплекс чизма, ўлчаш асбоблари ва йигиш чизмалари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- чизмаларни расмийлаштириш, геометрик ясашлар, циркул ва лекало эгри чизиклар, туашмалар, чизма шрифтлари, техник чизма ва эскиз, кўринишлар, кесим ва кирким, нукта, тўғри чизик ва текисликларнинг ўзаро тегишлигига оид масалалар, масалани ечиш алгоритмлари; ўлчами аниқланадиган (метрик) масалалар; ортогонал проекцияларни кайта тузиш усуслари, аксонометрик тасвирлар, сиртлар, сиртдаги нукталар ва чизиклар, сиртларнинг кесишуви, деталларнинг чизмалари ва эскизлари, чизмани ўкиш ва деталлаштириш, ёйилма, ажralадиган ва ажralмайдиган бирокмалар, йигма чизмаларни тузиш ва ўкиш, йигма чизмаларни деталларга ажратиб чизишни, уларни комьютер графикасида акс эттиришини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- конструкторлик ҳужжатларининг мажмуи, стандартлашнинг давлат тизими, мухандислик графикасининг техникавий воситалари ва комьютер графикасининг дастуравий воситаларидан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.3.2. Саноат иқтисодиёти ва менежменти фани бўйича

**Бакалавр:**

- иқтисодиёт: бозор муносабатлари шароитида кончиллик саноатини ривожлантириш; турли мулкчилик шакллари ва хўжалик юритиш усусларидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий асослари;

- кончиллик корхоналарининг ташкилий асослари: карьер, разрез, рудник, шахта, бойитиш фабрикалари;

- меҳнатни меъёраш: бажариладиган иш меъёри, вакт меъёри, хизмат қилиш меъёри; меҳнат хаки: шакли, кўриниши, тизими ва унинг элементлари, таъриф сеткаси ва иш хажми, маълумотномалар ва ишлар таърификацияси;

- менежмент асослари: менежмент соҳасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари; замонавий менежмент асосларининг моҳияти;

- солик муносабатларини келиб чикиши ва уни ривожланиш этаплари; соликларнинг иқтисодий моҳияти ва уларни муносабатлари;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасининг асосий конунлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- кон ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини; илмий-техника тараккиёти ва кончиллик ишлаб чиқариши интенсивлаштириши; кончиллик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини; ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таниархини;

- саноатни режалаштириш асосларини; баланс, хисоб-конструктив, меъёрий ва иқтисодий математик усусларини; ихтисослаштириш, тармоклар классификациясини, хўжаликларнинг асосий ва қўшимча тармокларини, ёрдамчи ишлаб чиқариш; ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланишини ташкил этишини; асосий ишлаб чиқариш фондлари, айланма воситаларни;

- ижтимоий ишлаб чиқариши бошқаришини ташкил этишини; менежмент назарияси ва амалиёти ва унинг ривожланиш боскичларини; саноатда менежментниң тармоғиллари, функцияси, даражаси ва усусларини; бизнес режа тарқибини; бозор иқтисодиёти шароитида корхонани бошқариш асосларини; тадбиркорликда иҷро ва ташки мухитни

ташкил этиши; карор кабул килиш жараёни; корхонани бошқаришда иктисодий-математик усулларини;

- жамоада ижтимоий рухий мухит; йўлбошлилик, иш услуби, келишмовчиликлар ва уларни бартараф этиш йўлларини; тадбиркорлик ва менежментлик фаолиятининг ўзига хос соҳаси; тадбиркорликнинг этикаси ва ташкилий шаклларини;

- соликка тортиш принциплари; соликларни назарий элементлари; солик сиёсати ва уларнинг асосий йўналишлари; Ўзбекистон Республикаси солик системасини назарий асослари; соликларни макроиктисодий ҳолат билан боскичма-боскич ўзаро боғликлигини;

- ҳар хил тармоқли коммерция катнашувчиларини бозор иктисодиёти шароитидаги муносабатлари; кичик бизнеснинг обьект ва субъектлари; майда тадбиркорликни ишлаб чиқаришдаги бошқаруви, тадбиркорлик этикаси; тадбиркорликни ташкилий ва хукукий шакллари; тадбиркорликни химояси ва давлат томонидан кўллаб-куватлаш; кичик тадбиркорликни молиялаштириш хусусиятлари ва уларни кредитлаштириш ҳамда тадбиркорликнинг ҳаётй циклларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

- талаб ва таклиф назариясидан фойдаланиш;
- бизнес-режани ишлаб чиқиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

#### **6.2.3.3. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича**

**Бакалавр:**

- инсон ва яшаш мухити; меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти учун кулай шароитлар;

- хавфсизлик: техника тизимларининг хавфсизлиги ва экологиклиги;

- меҳнат хавфсизлиги: Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш тиббиёти ва ёнгин хавфсизлиги бўйича конунчилик асослари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;

- антропоген омиллар манбаи, ишлаб чиқариш мухитининг микроиктим кўрсатгичлари, хавони ифлослантирувчи манбаалар, механик ва акустик тебранишлар, электромагнит ва ионли нурланишлар, электр ток таъсири;

- фавқулодда вазиятларда хавфсизлик, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошқариш, электр хавфсизлиги асослари, ишлаб чиқариш тиббиёти, ёнгин хавфсизлиги;

- меҳнатнинг психофизиологик асослари, инсон танасининг анатомик ва антропометрик кўрсатгичлари ва уларни ишлаб чиқариш шароитларига мослигини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

- меҳнат жараёнида инсон хавфсизлиги, соегигини ва ишга лаёкатлиларини таъминлашга каратилган методик чораларни ишлаб чиқиш;

- меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга бўлган талаб даражаси **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

#### **6.2.3.4. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш фани бўйича**

**Бакалавр:**

- метрология, стандартлаш асослари, стандартлашнинг давлат тизими, сертификатлаш, маҳсулот сифатини бошқариш, ўзароалмашувчанликнинг умумий принциплари, штанген асбоблари, микрометрик асбоблар, калибрлар, бурчак ўлчаш асбоблари, подшипниклар, шпонкалар, шлица, тешик системаси, вал системаси, жоизлик, ўтказиш, ҳакиқий ўлчам, номинал ўлчам, чекли ўлчам, стандартлаштириш турлари методлари, афзал сонлар катори ва сертификатлаштириш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;

- ресурс тежаш, кўйимлар ва ўтказишлар тизимини куришнинг ягоналаштирилган принциплари, силлик цилиндрик симон ва конуссимон бирикмалар, думалаш подшипниклари, ўлчамлар занжири, деталлар шаклининг аниқлиги, маҳсулот сифат кўрсатгичлари, сифат даражасини баҳолаш усуллари, деталларни тайёрлашда унга таъсир килувчи хатоликлар, деталларнинг шакл бўйича ва сиртларнинг жойлашувидан оғиши, детал юзасининг гадир-будирлиги ва тўлкинсимонлиги, силлик цилиндрик бирикмаларда ўзароалмашинувчанлик, ўтказишларни ташлаш, деталларнинг **яроқлилик шартлари**, тишили узатмаларда ўзароалмашинувчанлик, резьбали бирикмаларда **ўзароалмашинув-**

чанлик, шпонкали бирикмаларда ўзароалмашинувчанлик, подшипникли бирикмалар уларнинг жоизлиги, ўтказишларни танлаш ва хисоблаш, кўзгалувчан ва кўзгалмас бирикмалар, техник ўлчашлардаги асосий атамалар ва таърифлар, ўлчаш воситаларининг метрологик кўрсаткичларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- кончилик маҳсулоти сифатининг кўрсаткичларини аниглаш ва баҳолаш; лойиҳалаш ишларини бажариш, кончилик ишлаб чиқаришида кўлланиладиган ўлчов асбобларидан фойдаланиш; кончиликда стандартлаштиришнинг техник-иктисодий самарадорлигини аниглаш; кончилик объектларида метрологик таъминотни талаб даражасида йўлга кўйин **кўнижмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.3.5. Электротехника, электроника ва электрюритма фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

- электр токи ва унинг конуниятлари, электр энергияси ва уни узатиш;

- электр схемаларини ўкиш; асосий электр ва ноэлектрик катталикларни ўлчаш; соҳала фойдаланиладиган машина ва механизмлар, курилмаларнинг электр ва электрон схемаларини ишлашини таҳлил килиш **хақида тасаввурга эга бўлиши;**

- ўзгармас ток занжирларни, бир ва уч фазали ўзгарувчан ток занжирларни; мураккаб электр занжирларини хисоблаш усусларини; электр ва магнит майдонининг ҳосил бўлиши ва хоссаларини; бир ва уч фазали синусоидал токни ҳосил килиш ва унинг конунларини; синусоидал ток занжирида резонанс ходисаларини;

- бир ва уч фазали трансформаторларни, ўзгармас ва ўзгарувчан ток электр машиналарини, уларнинг тузилиши ва ишлани тамойилларини, тавсифномаларини;

- замонавий ярим ўтказгичли электрон асбобларни, электр токини тўғрилагичларни, тиристорли ўзартгичларни, инверторларни, частота ўзартгичларни, кучайтиргичлар ва генераторларни;

- импульсли ва рақамили техника асосларини, микропроцессорларни, замонавий электр ўлчаш асбобларини, электр ва ноэлектрик катталикларни электр усулида ўлчаш ва ўлчаш ҳатоликларини хисоблашни, мантикий ва рақамили ўлчаш асбобларини, электротехника, электроника ва электр юритма соҳасидаги фан-техника ва технологияларнинг энг сўнгти ютукларини;

- электр машиналарининг тузилиши, ишлани тамойили, тавсифномалари ва электромеханик хусусиятларини, электр юритмаларнинг тавсифномалари ва улардаги ўтиш жараёнларини, соҳала кўлланиладиган машина ва механизмлар электр курилмаларини ишга тушириш ва уларнинг самарали ҳамда хавфсиз ишлашини таъминлашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- технологик машиналарни кувватини аниглаш, электрон асбоблар ва электрюритмаларни ишлатиш, электр аппаратлари ва бошқариш жараёнларини танлаш **кўнижмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.3.6. Гидравлика ва гидромашиналар фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

- суюкликларнинг асосий хоссалари, гидростатика, суюкликтининг кинематикаси ва динамикаси, суюклик харакатининг режимлари ва гидродинамик ўхшашиблик асослари, гидромашиналар тўғрисида умумий маълумотлар **хақида тасаввурга эга бўлиши;**

- суюклик харакатининг режимлари ва гидродинамик ўхшашиблик асослари, суюкликтин ламинар харакати, суюкликтин турбулент харакати, маҳаллий гидравлик каршиликлар, суюкликтин тешиклар ва насадкалардан оқиб чиқишини, ўтказувчи кувурларнинг гидравлик хисобини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- уормали, окимли, поршенили, плунжерли, роторли насослар ва гидродвигателлар, гидроаппаратура ва гидроавтоматика элементлари, нусхаловчи гидроюритмадан фойдаланиш **кўнижмаларига эга бўлиши керак.**

### 6.2.3.7. Йўналишга кириш фани бўйича

**Бакалавр:**

- жамият тараққиётида кончиликнинг роли ва аҳамияти, кончиликнинг ривожланиш босқичлари, асосий тарихий маълумотлар, кончилик – Ўзбекистон Республикаси иктисадиётининг асоси **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- жаҳон ва Ўзбекистоннинг кон ресурслари;
- кон ресурсларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасида кон ишлаб чиқариш масштаблари;
- Ўзбекистон Республикасидаги кончилик саноатида ишлатиладиган техникалар турларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- фойдали казилмалар турларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

### 6.2.3.8. Геология ва гидрогеология фани бўйича

**Бакалавр:**

- күёш тизими, ер пустининг тузилиши; минераллар ва төғ жинслари, катламлар ва бузилишлар; ер ривожланиш тарихи ва геойилнома шкаласи; чўкинди жинслар петрографияси, тўртламчи давр геоморфологияси ва ётқизиклари; Марказий Осиёнинг монтакавий геологик тузилиши ва гидрогеологик шароитлари; сувли горизонтлар ва гидрогеологик параметрлар; - монтаканинг сейсмик-геологик шароитлари, зилзила хосил бўлиш сабаблари, кудуд сейсмиклигининг инженер-геологик ва ҳудуд гидрогеологик шароитларига таъсири **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- ер юзасида ёа қаърида бўладиган асосий геологик жараёнларни ва уларнинг натижаларини; энг муҳим минераллар ва төғ жинси асосий турларини; умумий геойилнома ва стратеграфик шкалаларни; төғ жинсларининг кат-кат ва ёрилишиб деформацияланишининг морфологик ва генетик турларини; төғ жинсларини табиий радиоактивлигини; геология разведка ва кон ускуналарини лойихалаш усуллари ҳамда тайёрлаш технологиясини; гидрогеология ва мухандислик геологияси асосларини; китъалар ва океанлар шаклланишини; фойдали казилма конларининг шаклланиш шартларини; - геологик, гидрогеологик, инженер-геологик ва геофизик тадқиқотлар мазмунини, гидрогеологик хариталар ва кесмаларни; монтакавий микёсла гидрогеологик ва инженер-геологик шароитларни ёритиш усуллари ва талабларини, лабораторияда аниқлаш усулларини; геофизик усуллар, топшириклар асосларини, уларнинг очими ва тамоилиларини, геология-гидрогеология ва мухандислик-геология топширикларини счишда геофизик усулларни ўйғунаштириш асосларини **билиши ва фойдалана олиши;**

- геологик съемкалар ўтказиш, геологик, тузилмавий хариталар, кудуклар ва геологик профиллар кесмаларини тузиш; чўкинди жинсларни петрографик тахлини бажарниш ва микроскоплар билан ишлаш; гидрогеологик ва инженер-геологик съемка ўтказиш; грунт сувлари жойлашган чукурликларни харитасини тузиш; мухандислик-геология жараёнлари ва ходисаларини харитага тушириш; ҳудуд мухандислик-геология шароитларини хисобга олиб сейсмик баллар харитасини тузиш ва микросейсмик чегаралаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

### 6.2.3.9. Геодезия ва маркшайдерия фани бўйича

**Бакалавр:**

- ернинг шакли ва ўлчамларини аниқлаш ҳамда ўлчаш усуллари, ер юзасини сфера ва текисликларда тасвирлаш усуллари, ер юзасини топографик карта ва планларда тасвирлаш тартиб-коидалари;

- ер қаъридан рационал фойдаланишининг маркшайдерлик таъминоти, фойдали казилма конларини казиб олиш ишларидаги маркшайдерлик хизмати вазифалари, бургулаш ва портлатиш ишларининг маркшайдерлик таъминоти **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- топографик карталар номенклатурасини, геодезияда ишланишадиган координаталар системаларини, топографик карта ва планлар тузилишини ва шартли

